Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

№ 96 (10.345).

1992 йил 23 июнь сешанба

Баҳоси 2 сўм.

И. А. Каримов Индонезияда

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 22 июнь куни Индонезияга келди. Шу мамлакатга келиш билан унинг Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафари ниҳоясига етади, сафар чоғида у ҳозиргача Корея Республикаси ва Малайзия раҳбарлари билан давлатлараро музокаралар олиб борди.

Ислом Каримовнинг Индонезия Президенти Сухарто, Вице-президент Судармоно билан музокаралари унинг Индонезияга ташрифи режаларида муҳим ўрин тутади. Ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи таниқли ишбилармонлар ва молия арбоблари билан учрашади, Индонезия савдо-саноат палатаси раҳбарлари, шу мамлакат сармояларни сарфлашни мувофиқлаштириш бюроси раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Йирик саноат корхоналарига бориш назарда тутилган.

Ислом Каримов диндорларнинг турмуши билан ҳам танишади. Индонезияда динга ишонувчиларнинг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардир. Ташриф режасида Ўзбекистон Президентининг мамлакатдаги энг катта истиқлол мачитига бориши кўзда тутилган.

Маҳаллий сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари Индонезия билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва истиқболли, деб ҳисобламоқдалар.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТИДА


19 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Давлат ва жамоат хавфсизлиги, Мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Халқ депутатлари, Президент девонининг ҳамда Олий Кенгаш комитетларининг, Республика вазирликлари ва идораларининг масъул ходимлари қатнашдилар. Мажлисни комитет раиси В. Ниёзматов бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Қуролли кучлар ҳақида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида», «Муқобил (меҳнат) хизмати ҳақида»ги Қонунларнинг лойиҳалари муҳокама қилинди. Маърузачи — комитет аъзоси генерал-майор Б. Белоусов, муҳокаманинг бошқа қатнашчилари Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлган шу қонунларнинг алоҳида сиёсий ва ҳарбий аҳамиятини таъкидладилар. Республика раҳбарияти мустақил Ўзбекистоннинг ёш қуролли кучларини ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги айтиб ўтилди.

Юқорида санаб ўтилган қонунлар айтилган мулоҳазалар ва истаклар, киритилган таклифлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда асосан маъқулланди. Бу қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этишни Олий Кенгаш раёсатидан илтимос қилишга қарор берилди.

Комитет мажлисида Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов, Республика Мудофаа ишлари вазири генерал-лейтенант Р. У. Аҳмедов иштирок этдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.





ҲАЖ САФАРИДАН ҚАЙТИШДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзларининг мусулмонлик бурчларини адо этиб Ҳаж сафаридан қайтиб келдилар. Улар қарийб бир ойлик сафар давомида мусулмонлар учун муқаддас бўлган жойларни зиёрат қилишди.

СУРАТЛАРДА: Ҳаж сафаридан қайтган Моваронуннаҳр мусулмонларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

В. ТЎРАЕВ суратлари.







ИЛҒОР ТАЖРИБА, ФАН ЮТУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тошкент вилояти илмий-техника янгиликларини ҳаётга тадбиқ қила бориб, илғор технологияларни қўллаб, пахта етиштиришда ва йиғиб-териб олишда қатор йиллар давомида жумҳуриятимизда етакчи ўринларни эгаллаб келади. Жорий йилда ҳам табиий қийинчиликларга қарамасдан катта майдонлардаги ғўза бузиб экишдан сақлаб қолинди.

Бу йил асосий майдонларга чигитнинг саноат талаби даражасидаги, ноҳияларштирилган 4 ва 5 типдаги «С-6524», «Қирғизистон-3», «Ан-Баёвут», «Оққўрғон» каби «оқ олтин» навлари экилди. Ҳозирги пайтда 30 минг гектардаги ғўзалар шоналаш босқичига кирди. Айниқса, «Оққўрғон», Сегизбоев номли шўро хўжаликларида, «Ленинобод», Янгийўл ноҳиясидаги «Тинчлик» жамоа хўжаликларида бегона ўтларни йўқотиш, яганалаш ҳамда ўсимликларни озиқлантириш ўз вақтида ўтказилганлиги учун шоналар барвақт кўзга ташланмоқда.

50 минг гектарга яқин жойдаги пахталарда 5—6 тадан, 30 минг гектардагисида эса 3—4 тадан барглар мавжуд. Деярли ҳамма ноҳияларда учинчи культивация тугалланмоқда. Бироқ, бегона ўтларга қарши кураш юзасидан ўз вақтида чора кўрилмаганлиги сабабли кўп ноҳияларда минерал ўғит бериш кечикмоқда. Фақатгина Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ноҳияларида биринчи озиқлантириш ниҳоясига етди. Бўка, Юқори Чирчиқ, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ноҳияларида эса бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Янгийўл, Чиноз, Қуйи Чирчиқ ноҳияларида яганалаш, озиқлантириш кечикишидан ташқари ғўзаларга ўргимчак кана, шира, каби зараркунандаларнинг тушишига йўл қўйилди. Шунинг учун ҳам мутахассислар ва раҳбарларни зараркунандалар кўплаб тарқалган жойларда биологик усуллар ҳам фойда бермаётганлиги, бунинг устига «Ўзқишлоқхўжалик кимёси» омборларида Би-58, карбофос каби препаратлар етишмаслиги каби муаммолар ўйлантирмоқда.

Кўпгина хўжаликларда эса олтингугурт қўлда сепилмоқда. Бундай ҳолларда ИССО аралашмаси билан тайёрланган доридан фойдаланиш қулайроқдир.

Шунингдек, Янгийўл ноҳиясидаги А. Ортиқов номли, «Тинчлик», Н. Ниёзов номли, Х. Турсунқулов номли хўжаликларда, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш олийгоҳининг тажриба хўжаликларида, Янгийўл машиналарни синаш марказида, Чиноз ноҳиясидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Ўзбекистон 30 йиллиги» Охунбобоев номли, Қуйи Чирчиқ ноҳиясидаги «Победа», «Коммунизм», «Ўзбекистон 5 йиллиги», «Заря коммунизма», Оққўрғондаги Куйбишев, «Ленинизм», Ҳамид Олимжон номли хўжаликларда ғўзаларга биринчи ўғит бериш кечикиб кетмоқда.

Чиноз ноҳиясидаги Алишер Навоий номли, Янгийўл ноҳиясидаги Турсунқулов номли жамоа хўжаликларида суғориш услубига амал қилинмаганлиги туфайли ўсимликлар сарғайган. Карталарнинг охирида эса сув босган жойлар ҳам бор.

Янгийўл ноҳиясидаги Н. Ниёзов номли жамоа хўжалиги иккинчи бригадасида бир неча тонна калий ўғити ахлатга аралашиб қаровсиз ётибди. Ҳолбуки, бир тонна пахта етиштириш учун тупроқда 50 килограмм азот ва шунча калий бўлиши зарур. Калий ўғити ҳужайраларнинг ривожланишига, озуқа алмашинувига, толанинг яхшиланишига кўмаклашади. Шунингдек, бу хўжаликда бегона ўтлар тугатилмасдан, биринчи озуқа берилмасдан суғориш учун жўяк олинган. Бундан ташқари Юқори Чирчиқ, Пискент, Янгийўл ноҳияларида ҳам биринчи озиқлантириш ниҳоясига етказилмаган.

Жорий йилда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун барча зарур ишларни ўз босқичида тугатиш, азот ва калий ўғитлари билан озиқлантириш, гуллаш олдидан эса фосфор ҳамда азот билан ўғитлаш муҳимдир. Бундан ташқари ғўзаларни суғоришда агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш зарурдир.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармаси бошлиғи.

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР ВИЛОЯТИМИЗДА

Хитой Халқ Республикаси Хунань вилояти халқ ҳукумати раисининг муовини Чэнь Биньфань бошчилигидаги ҳукумат делегацияси вилоятимизга меҳмон бўлиб келди. Меҳмонлар ўтган якшанба куни Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Қибрай ва Бўстонлиқ районларида бўлдилар. Ҳар иккала районда меҳмонлар ҳокимлигида меҳмонлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар бўлди. Кечқурун Бўстонлиқ район бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт қўйиб берилди.

Куни кеча хитойлик меҳмонлар вилоят ҳокимлигида бўлдилар. Бу ерда ўзаро музокаралар давом эттирилди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида қабул қилдилар. Кеча тушдан сўнг улар Чирчиқ шаҳрига йўл олдилар. Шаҳар ҳокимлиги ва «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида иккала томонни қизиқтирган масалалар юзасидан суҳбатлар бўлди.

Бугун ҳурматли меҳмонлар Бекобод шаҳрига борадилар. Улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишгач, район ҳокимлигида ўзаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказишади.

Эртага эса Хунань вилояти вакиллари Олмалиқ шаҳрига борадилар. Шаҳардаги кон-металлургия комбинати, аммофос ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишадилар. Вилоят ҳокимлигида якуний музокаралар, иқтисодий ва биродарлик алоқалари ўрнатиш ҳақидаги расмий ҳужжатларни имзолаш маросими бўлади. Вилоят ҳокими номидан кечқурун Р. Р. Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида қабул ўтказилади.

Хитойлик меҳмонларнинг вилоятимизда бўлиши чоғида уларга Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Ш. Н. Маҳмудова, вилоят ҳокимининг муовинлари Ҳ. Ҳамидов, Б. Махситов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Тошкент вилояти бошқармасининг бошлиғи А. Раҳмонберднев ҳамроҳлик қилмоқдалар.

25 июнь куни делегация Навоий шаҳрига жўнаб кетади.

СУРАТЛАРДА: хитойлик меҳмонларни кутиб олиш пайти.

Суратқаш В. ХАРИТОНОВ.





ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Янги туғилган гўдаклар учун мониторлар билан жиҳозланган реанимация хонаси, катталар ва болаларнинг кўпгина касалликларини даволаш учун мўлжалланган лазерлар — ана шу ҳамда шаҳарнинг даволаш-профилактика муассасаларида пайдо бўлган энг янги асбоблар Тошкент санъат саройида тиббиёт техникаси кўргазмасида намойиш этилди.

Кўргазма тиббий ходимлар кунига бағишланди. 20 июнь куни бу ерда ана шу касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон пойтахтидаги икки ярим мингдан ортиқ шифокорлар ва тиббий ҳамширалар қатнашди.

Маъруза ва нутқларда тиббий ёрдам беришни ташкил этишнинг янги шакллари ва усулларини жорий этишга, даволаш—диагностика хизматини такомиллаштиришга доир ишларнинг муҳимлиги йиғилишда таъкидланди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш, уруш ва меҳнат фахрийларига ёрдам бериш юзасидан аниқ чоралар кўрилганлиги айтиб ўтилди. Ижобий ўзгаришлар орасида шифохоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлашда саноат корхоналари ва ҳўжаликларнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги таъкидланди. Поликлиника-лар ва шифохоналар улар ажратаётган валюта эвазига ускуналар, дори-дармонлар, бир марта ишлатиладиган шприц ва бошқа нарсалар сотиб олмоқдалар.

Бироқ, Республикада соғлиқни сақлаш даражаси умуман ҳозирги талабларга мос эмас, дейишди нотиқлар. Йиллар давомида тармоқда тўпланиб қолган жуда кўп муаммоларни ҳал этишга тўғри келади.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Раҳабов қатнашди.

(ЎзА).

• БИЗНИНГ МУЛОҚОТ •

А. РАСУЛОВ:

ШАҲАР ИСТИҚБОЛИГА ИШОНАМАН

Салкам 40 минг аҳоли истиқомат қилаётган Оҳангарон шаҳрида йилига икки ярим миллиард сўмлик атрофида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу албатта салмоқли рақам. Лекин халқ хўжалигига бунчалик катта улуш қўшилаётганига қарамай, кўп йиллар давомида шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга етарли аҳамият берилмай келинди. Бу эса ечимини кутаётган муаммоларни янада кўпайтирди. Шаҳар Ҳокимлиги кейинги пайтларда ана шу вазиятни ҳисобга олиб, Оҳангаронни ижтимоий равнақ топтириш юзасидан қатор тадбирлар белгилади. Қуйида шаҳар ҳокими А. М. РАСУЛОВ билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Александр Маҳамматашукурович, жумҳуриятимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиб бориши, турмуш тарзимизни тамоман ўзгартириб юборди. Ана шундай мураккаб шароитларда шаҳарнинг бугуни муаммолари, келажаги хусусида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Бу саволингизга жавоб бериш асносида бир муҳим нарсани таъкидламоқчиман. Мустақиллик курашларсиз, қийинчиликсиз бўлмайди. Ҳозир республикамиз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳада ана шу йўлни мустаҳкамлашга астойдил интилмоқда. Энг муҳими халқимизнинг кўпчилик қисми мустақиллик нима эканини тобора кўпроқ англаб етмоқда, ҳозирги қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини тушунмоқда. Энди биз ўзимиз учун, жумҳуриятимиз келажаги учун меҳнат қиляпмиз. Машаққатларни енгиш йўлида бир жон, бир тан бўлиб аниқ мақсад сари одимлашимиз зарур бўлади. Шаҳарнинг равнақи билан боғлиқ масалаларга келсак, шуни айтиш керакки, муаммолар ҳаддан ташқари кўп. Чунки шаҳар аҳолиси маҳсулот етказиб беришни билгану, лекин унга кўнгилли дам олишини ташкил этиш борасида етарли ғамхўрлик кўрсатилмаган. Ўтган йиллар мобайнида бироита ҳам айтса арзигудек кинотеатр ёки маданият саройи ё бўлмаса саломатликни мустаҳкамлаш оромгоҳларининг бу жойда қад кўтармаганлиги афсусланарли бир ҳолдир. Ваҳоланки, Оҳангарон жуда сўлим, хуштабиат шаҳар. Маҳаллалар билан ишлаш, халқ таълими, мактабгача тарбия соҳасида ҳам анчагина муаммолар тўпланиб қолган. Қайси соҳага қараманг, камчиликлар кўп. Ҳозир уларни бартараф этиш йўлларини ўйлаяпмиз. Маълум ишларни амалга оширдик. Баъзи маҳаллаларни газлаштирганлигимиз, ички кўчаларга асфальт ётқизилганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

— Мен сиздан бажарилган ишлар ҳақида яна ҳам аниқроқ гапириб беришингизни илтимос қилмоқчи эдим.

— Шаҳарда ободонлаштириш ишларига 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Коммунал хўжалигининг моддий-техника асоси анча мустаҳкамланди. Кўчаларни асфальт қилишнинг ўзига ҳам 1 миллион сўм берилди. Янгиер, Оҳангарон, Қ. Холмуҳамедов номли, А. Каримов номли ва бошқа кўчаларни газлаштиришга ҳам анчагина маблағ сарфланди. Йил охиригача бу ишлар ниҳоясига етказилади. Умуман, ана шундай тадбирларга 10 миллион сўм маблағ сарф этилмоқда. Биз шаҳардаги қабристонларни ободонлаштиришга ҳам эътибор бермоқдамиз. 4-кичик райондa эса иситиш тармоғини созлаш учун ҳам 1 миллион сўм ажратиб берилди. Шаҳарда алоҳида ахлатхона ташкил этилмоқда. «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан «Оҳангаронтемир-бетон» ширкати оралиғида боғ бунёд этиш ниятимиз ҳам бор. Қўрғонда янги мактаб қурилиши бошланди. 1-мактабнинг қўшимча бинолари янги ўқув йилидан ишга тушади, боғча, кинотеатр, стадион қурилаяпти. Ғалла маҳсулотлари комбинати директори, Ўзбекистон жумҳурияти халқ депутати З. Мусаевнинг ташаббуси билан шаҳар марказида новвойхона ҳамда ошхона қурилиши режалаштириб қўйилди.

— Чиндан ҳам анча ишлар қилинаётган экан. Бу қувонарли албатта. Лекин кўпчиликни ташвишлантираётган бир муҳим масала ҳақида сиздан сўрамоқчиман. Кейинги пайтларда шаҳарда жиноятчилик ўсиб бормоқда. Унинг олдини олиш борасида тадбирлар белгиланаяптими? Аниқ қандай чоралар кўрилмоқда?

— Саволингиз жуда муҳим. Зероки эл тинчлигини таъминлаш — шу куннинг долзарб вазифаси. Маълумки, Оҳангарон район ички ишлар бўлими шаҳар ҳизматини ҳам қамраб олиши мушкул бўлиб қолмоқда. Шунинг учун шаҳарда алоҳида ички ишлар бўлими ташкил этилаётир. Ўйлайманки, ҳар ким муайян иш участкасига эга бўлгач, ҳодимларнинг масъулияти ошади. Шунингдек, шаҳарнинг ўз прокуратураси ва халқ суди ҳам бўлади. Шунда ҳар ким масъулиятни ўз бўйнига олади. Биз халқнинг кўнгли хотиржам, иши унумли, турмуши яхшироқ бўлиши учун нимаики зарур бўлса, ана шуларни амалга ошираверамиз.

— Шаҳарда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳам ўзгаришлар бор экан. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Тўғри, ўзгаришлар бор. Шаҳарда давлат назорати инспекцияси анча ишларни амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиёти туфайли жойларда тушунмовчиликлар, тартибсизликлар, тушуниб туриб давлат мулкига хиёнат қилишлар авж олиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса кичик корхоналар, ширкатлар фаолиятини жиддий назорат қилиб бориш лозим. Масалан, район маиший хизмат кўрсатиш комбинатида, асосан, шаҳарликлар ишлашади. Комбинатнинг собиқ раҳбарлари корхонани бўлакларга бўлиб, турли ширкатлар ва ижара жамоаларига сотиб юбориб, ишни барбод қилди. Бундан, аввало, комбинат ишчилари, қолаверса, шаҳар аҳолиси жабр кўрди. Ҳозир шаҳарда аҳолига тузукроқ хизмат қилаётган сартарошхона ёки этикдўзликни топиш қийин. Хуллас, давлат назорати учун қилинадиган ишлар кўп.

— Ҳозирги мураккаб шароитда шаҳардаги саноат корхоналари қай аҳволда эканлигини ҳам билмоқчи эдик.

— Бошқа шаҳарларга нисбатан оладиган бўлсак, бизнинг саноат корхоналаримиз яхши ишламоқда. Қисқартиришлар кам, лекин хом-ашё вақтида етказиб берилмаётганидан узилишлар ҳам бўлиб турибди. Умуман, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида ижобий томонга ўзгаришлар сезилаётир. Тадбиркорлик, теэкорлик, билимдонлик, ишбилармонлик каби бозор иқтисодиётининг асосий омиллари турмуш тарзимиздан ўрин олаяпти. Энди бу талабларга бўйсинмаган киши ютқазаверади. Хуллас, корхонанинг қай даражада ривож топиши, унинг меҳнат жамоасига, раҳбарияти ва кадрларига боғлиқ.

— Шаҳарда янги цемент заводи қурилиши ҳақида ҳам гаплар юрипти. Бунга сиз қандай қарайсиз?

— Аввало тезроқ эскисини эпақайга келтириб олиш, таъмирлаш керак, деб ҳисоблайман. Янги завод қурилган тақдирда ҳам атроф-муҳит мусаффолиги албатта ҳисобга олиниши керак. Умжумҳурият табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси талабларига жавоб бериши керак. Иккинчидан, илгари заводлар қурилганда ижтимоий-маданий бинолар — боғча, мактаб, маданият саройлари, клублар эътиборга олинмай келинган. Биз мабодо қурилиш қиладиган бўлсак, ана шу талабларни ҳисобга оламиз.

Шаҳримизда турли миллат вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашимиз, халқимиз миллий анъаналарини қадрлашимиз, қарор топтиришимиз, бошқа миллатларнинг қадриятлари ва анъаналарини ҳурматлашимиз керак. Хуллас, хотиржамлик, омонлик, тўкинчиликни таъминлаш учун ҳар биримиз имкониятимиздаги ишни бажаришимиз даркор. Шаҳримиз истиқболига ишонаман.

Суҳбатдош:
Нурали АБДУРАСУЛОВ.

БАҲРИ ИШҚ ГАВҲАРИ

Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи,
Ким сабо пайки манга еткурди бир гул яроғи.

Тўлди шавқинг гавҳаридин баҳри ишқ ичра кўнгул,
Гўйиё бўлмиш менинг кўнглум садафнинг қурсоғи.

Ерга томғоч ашки, ҳайвон чашмаси бўлмоқ не тонг,
Қайси кўз ичраки ер тутса аёғинг тупроғи.

Суртсам мужгон кафи пойингга, кўп ваҳм этмаким,
Қилмади афгор гул баргини булбул тирноғи.

Нетиб асрай ўзимким, ҳолимни ул чиққан замон,
Англатур ёнимга ўлтурғонга кўнглум солмоғи.

Ешим эллик бўлди, юз ҳасрат есамким, суди йўқ,
Ўзни майдин хуш тутай, чун ўтти умрим хушроғи.

Эй Навоий, Вомиқу Фарҳоду Мажнун бордилар,
Бўлма ғофил дам-бадам, қилғунг азимат сен доғи.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ таҳлил этиб, тушунмоқчи бўлаётганимиз ушбу асари, унинг ғазалиётида алоҳида ўрин тутса керак. Бунга бир неча сабаб бор. Бири — ғазалнинг шоир эллик ёшга кирганида ёзилгани бўлса, бошқа бир сабаб, Навоийнинг бу ғазал билан ўз ҳаёти ва фаолиятига баҳо бериб, солик сифатида фано даражасига етиб қолганлигини рамзий маънода, эҳтиёткорлик билан ифодалашидир. Яна **«тасаввуф ғояларини, Навоийдан фақат орифона ғояларни исташ ҳам нотўғри»**, деган фикр туғилиши табиий ва бундай фикр юритувчилар ҳам ҳақлидирлар. Шунинг учун айтиб ўтишимиз керакки, Навоий ижодиётида (мумтоз адабиётнинг бошқа улуғ намоёндалари ижодида ҳам) тушуниш қийин бўлган, тайёргарлик талаб қиладиган асарлар орифона руҳда ёзилган, фалсафий асарлардир. Бундай асарларга шарҳ ёзиш ниҳоятда масъулиятли бўлиб, шарҳловчининг шахсий тасаввури асарда умуман «бўлмаган, назарда тутилмаган» маъноларни «топиши» мумкин ва бу билан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам чалғитиши эҳтимолдан узоқ эмас. Айтмоқчимизки, шарҳга ўқувчи албатта танқидий назар билан қараши ва шарҳни шу асарни тушиниш учун таклиф этилаётган калитлардан бири сифатида қабул қилиши зарур. Шарҳ балки асарнинг бир қиррасини ёритар, бошқа беҳисоб қирраларни кўнгул назаридан четда қолар. Шундай узр билан, ғазални қандай тушунганимизни баён этмоқчимиз.

Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботган чоғи,
Ким сабо пайки менга еткурди бир гул яроғи.

Бу байтнинг зоҳирий (очиқ-ошкор) маъносидан ташқари, ботиний — (ички), яширин маъноси ҳам бор. Ғазални тўла ўқиб чиққан ўқувчи шоирнинг «ёшим эллик бўлди», — деган сўзларига албатта эътибор беради. Шу сўзлар инобатга олинганда «қуёш ботган чоғи» деган сўзларни яна бир маънода ҳам тушунса бўлади, яъни Навоий ўзининг умр қуёши ботаётган вақти ҳақида гапирмоқда. Қуёш ботишида пайдо бўлувчи шафақ, умум Олам миқёсида гул баргига ўхшайди. Агар ростдан ҳам шафақатни гул барги деб тасаввур қилинса, бу баргни оддий сабо пайки-хабарчиси эмас, фазовий сабо хабарчиси етказган бўлади. Демак, бу, оддий маъшуқадан келган хабар бўлмай, балки илоҳий Ёрдан келган хабардир. Бу билан биз ушбу байтдаги инсоний муҳаббат, бир гўзалдан сабо пайки олиб келган гул барги ҳақидаги дил розини инкор этмоқчи эмасмиз, лекин шу билан бирга унда орифона дил рози ҳам ифодаланганини айтиб ўтмоқчимиз.

Навоий «хабар» гул япроғида келганлигини айтмоқда, «хабар»нинг саодатманд эканлигини, кўнглига хуш келганлигини жуда нафис чизги, ранг билан ифодаламоқда. Шоир ўзи интилган олий мақсадга энди етишажагини, Ёр васлига умри қуёши ботар чоғида муяссар бўлиши мумкинлигини мамнуният билан изҳор этмоқда, лекин у ҳали васлга муяссар бўлганича йўқ, фақат висол хабарини олди холос. Бу байтнинг биринчи мисрасидаги «оразинг» сўзига иккинчи мисрадаги «гул япроғи» алоқадор бўлиб у байтнинг мантиқий қудратини ва таъсир кучини янада оширади.

Кейинги байт:

Тўлди шавқинг гавҳаридан баҳри ишқ ичра кўнгул,
Гўйиё бўлмиш менинг кўнглим садафнинг қурсоғи.

Қисқача маъноси: менинг кўнглим ишқ денгизи ичра худди садафга ўхшаб ўз ичига дур тўлдирди. Энди садаф ичида гавҳар — дурнинг туғилишини тасаввур этайлик. Садаф денгиз тубида узоқ йиллар ётиб, унинг қопқасидан сизиб ўтган моддаларнинг тўпланиб бирлашиши орқали гавҳар пайдо бўлади. Бу жараён узоқ муддат давом этиб, тасодиф ва сабабларнинг мантиқий натижасидир. Шарқ шеъриятида қабул қилинган анъанага кўра эса гавҳар, пайсон суви садаф ичига кирганда пайдо бўлади ва бу ҳам илоҳий қудрат билан боғлиқ, деб ҳисобланади. Шеър шоирнинг аллиқ ёшга кирганида ёзилгани ва шу мулоҳазалар билан, «баҳри ишқ»да — илоҳий ишқ баҳри назарда тутилган, — десак, байтни қуйидагича тушуниш мумкин.

Навоий ўзининг кўнглини кўп вақтдан бери «баҳри ишқ»да эканлигини ва ниҳоят сабр-тоқати, имон-эътиқоди билан, илмини камолотга етказиб халқ учун тинимсиз меҳнат қилиб, савобли ишлари орқали покланиш даврини ўтганлиги сабабли кўнглига илоҳий шавқ гавҳарлари тўлганлигини бу байтда баён қилаётганга ўхшайди. Навоийнинг бу камолот йўлини ўтганлигининг расмий далолатлари унинг ғазаллари, илмий ва тарихий асарлари, ижодининг чўққиси бўлмиш «Ҳамса» ва унинг раҳбарлигида, шахсий маблағига бино этилган кўпдан-кўп иморатлар ва иншоотлардир. Бу байтни ўқиганда пайдо бўладиган яна бир фикр: гавҳар пайдо бўлишининг бошланиши, юқорида айтиб ўтганимиздек, абри найсон билан, яъни баҳор фасли билан боғлиқ. Бу ерда ана шу умр баҳори, ёшлик чоғида кўнгил садафига кирган зиёга ишора борга ўхшайди. Бу зиё ёш Алишернинг болалигида ёд олиб ўқиган Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» асари воситасида кўнглига кирган илоҳий ишқ нуридир. Умр баҳорида найсон суви томчисидек кўнгилга жо бўлган ишқ нури шоирнинг ўзи эътироф этишича, эллик ёшга кирганида гавҳар бўлиб етишди. Бу ердаги яна бошқа бир фикр: гавҳар (жавҳар) сўзида «асл моҳият», — деган маъно ҳам бўлиб, у замонавий фалсафадаги «субстанция»га мос келади ва гавҳар сўзини шу маънода тушунсак, шоир «менинг кўнглим сенинг шавқингдан асл моҳият ила тўлди», деб Аллоҳга шукрона билдирмоқда.

Кейинги байт:

Ерга томғоч ашки, ҳайвон чашмаси бўлмоқ не тонг,
Қайси кўз ичраки ер тутса аёғинг тупроғи.

Кимники кўзига сенинг аёғинг остидаги тупроғдан бир зарра тушиб, унинг кўз ёши ерга томса, ҳайвон чашмаси — тириклик булоғи пайдо бўлса ажабланмаслик керак. Бу байтни ҳам батафсил баён этиш зарурати бор. Шарқ афсоналарига кўра ҳайвон чашмаси — оби ҳаёт, яъни тириклик суви чиқадиган булоғдир. Бу булоғни топиб Хизр алайҳиссалом сув ичган ва шу сабабли абадиятга тааллуқли бўлиб қолган, дейилади. Лутфийнинг бир ғазалида шу байтга яқин байт бор:

Ташладинг оби даҳан ер узра, истаб оқибат
Хизр они топтию отин оби ҳайвон айлади.

Ривоятлар бўйича бу булоқ қоронғу ғор ичида жойлашган. Қора кўздан томган ёшни, қоронғу ғор ичидаги булоқ сувига ўхшатилиши, булоқ ва кўз, араб тилида «айн» деб аталиши назарга олинса, бу байт қанчалик кучли ички мантиққа эгалигини тасаввур қилса бўлади. Нега энди Ер остидаги тупроқ кўзда «ер тутса», у кўздан ерга томган ёшдан ҳайвон чашмаси пайдо бўлади? Шарқ мунажжимларининг тушунчаларига кўра сайёралар турли фалакларда турадилар, энг юқорида Зуҳал (Сатурн), энг пастда эса Ер курраси. Номаълум муаллифнинг XIII асрга тааллуқли тасаввуфга оид бир таржебандида қуйидаги байт бор:

Ким дилу дину ақлу жону жаҳон,
Жнси эрур борча, жон эрур жонон.

Яъни, сўфий тушунчаси бўйича, руҳий ва моддий Олам жисм бўлса, жонон — Аллоҳ унинг жонидир. Тасаввуф таълимотига биноан моддий Аллоҳ таолонинг тажаллиёти (жилваланиши) бўлиб, тупроқ шу жилваланиш туфайли абадиятга тааллуқли «ҳайвон чашмаси»ни пайдо этади, демак, сўфий назарида тупроқ алоҳида бир маъно касб этади. Гапни мухтасар қилайлик, чунки бу мулоҳаза яна шу тарзда давом этса ўзимиз ҳам тасаввуфнинг мушкилотларида адашиб кетамиз.

Кейинги байт:

Суртсам мужгон кафи пойингга, кўп ваҳм этмаким,
Қилмади афгор гул баргини булбул тирноғи.

Бу байт олдинги байтнинг мантиқий давоми бўлиб, яна булбул тимсоли ҳам киритилган. Сўфийлар булбул тимсоли орқали ошиқни, «ўзлигидан кечган» ошиқни назарда тутганлар. Бу фикрни аниқроқ ёритиш учун Навоийнинг «Лисонут тайр» асарига мурожаат этайлик, «Ишқ водийсининг сифоти» бобида бундай мисралар бор:

Борча қушнинг отн булбул бўлмади,
То азалдан ишқ аро қул бўлмади.

Сўфий ҳам булбулга ўхшаб «ишқ аро қул бўлган» ошиқдир. Ғазалнинг «қилмади афгор гул баргини булбул тирноғи» мисраси гарчи унинг умумий руҳидан узоқ кўринса ҳам, аслида моҳиятан ўзида сўфий қарашларини акс эттиради. Яъни, шоир «булбул» тимсолини киритиш орқали ўзини ш у ошиқ булбул билан тенг кўрмоқда, ўзи ҳам «ўзлиги»дан кечиб Ёр васлига интилмоқда. Сўфий мана шу «мен»дан халос бўлгандан сўнггина чин ошиқ камолотига етишади.

Қуйидаги байт шоирнинг худди шу ҳолатини ифодалаётгандек. Диққат билан ўқиб кўрайлик:

Нетиб асрай ўзимким, ҳолимни ул чиққан замон,
Англатур ёнимга ўлтурғонга кўнглум солмоғи.

«Ул чиққан замон», — деб ким назарда тутилмоқда? Бу саволга, шоирнинг ўз-ўзига «нетиб асрай ўзимким», деган сўзларида жавоб бор. Шоир бу ерда «ўзлигим» деб, «мен»ини, бу дунёнинг ўткинчи лаззатлари ва ташвишларига боғланиб турувчи «мен»ини ўзидан чиқариши, ўзида асраб туришига энди ҳожат йўқлиги ҳақида гапирмоқда.

Юқоридаги иккинчи байтда Навоий кўнгли «шавқ гавҳарига» тўлганлигини ёзганди. Бу байтда эса шу «гавҳарга тўла» кўнглининг салмоғи, шоир «мен»идан халос бўлганида ёнига келадиган ўзи даражасидаги ошиққа (яъни фано даражасига етган ошиққа) «ҳолини» қандайлигини англатади. Балки мулоҳаза мураккаблашиб кетгандир, лекин бу байтни шарҳлашда бошқа илож топилмади. Бу гаплар «демак, Навоий тариқ дунё бўлишни тарғиб этган экан-да», — деган фикрга олиб келиши мумкин. Асло бундай эмас!

Ешим эллик бўлди, юз ҳасрат есамким суди йўқ,
Ўзни майдан хуш тутай, чун ўтти умрим хушроғи.

Умр ўтиб кетмоқда деб ҳасрат қилишимдан фойда йўқ, чунки бу инсон эрки ва иродасига боғлиқ эмас, тақдирга боғлиқ. Ҳасратнинг фойдаси йўқ экан, бундан сўнг ҳам меҳнат ва ижод билан астойдил шуғулланиш, кейинги умрни ҳам маҳсулдор ўтказмоқ зарур. Иккинчи мисрада назокат билан икки хил маъно берилган, бири: умримнинг яхши даври ўтди, энди ўзимни май ичишдан узоқ этай, май ичиш билан кўнгилни хуш этмоқ душвор. Иккинчиси: йигитлик, куч-қудратга тўла давр, балоғат пайти — умрнинг (дунёвий маънода) хуш даври ўтиб, қарилик даври келди, энди ўзимни ваҳдат майи ила хуш этайин, чунки унга муносиб камолот йўли ўтилди.

Эй Навоий, Вомиқу Фарҳоду Мажнун ўтдилар,
Бўлма ғофил дам-бадам, қилғунг азимат сен доғи.

Вомиқ, Фарҳод ва Мажнунлар булбулдай фидоий, васл иштиёқида жонларини аямаган ошиқлардир, Навоий ҳам худди шундай «ўзлигидан» кечган ошиқ. Нега шоир «бўлма ғофил дам-бадам», — демоқда? Шоир, Ёр васли яқинлашгани ҳақида «сабо пайки» хабар олиб келди, мана чин ошиқлар — Вомиқ, Фарҳод ва Мажнунлар ҳам ўтдилар, сен ҳам азимат қиласан, чунки фано даражасига етишдинг, деган ғафлатда қолиб, баъзан бу дунёнинг ўткинчи ҳавасларига кўнглингни боғлама, ўзингни пок тутиб юргин, демоқчи кўринади.

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг бу ғазали унинг ўтган эллик йиллик умрида эришган камолотини ифодаловчи кўнгил рози, шукронасидир.

Ўрфон ОТАЖОН.

• Бир ғазал шарҳи •

ОДОБНОМА

Мулло Шарифхўжа ХУЖАНДИЙ

«Чеҳрат ул-фукаҳо»

ЖАВОНМАРД шундай кишидирки, у кераксиз сўзлар билан кишиларни ранжитмайди ва дил оғритувчи сўзлардан хафа бўлмайди.

ЖАННАТ йўлидан юрмоқ истасанг, аввало масжидга кир, жаннат ўша ердадир. Зеро, жаннат — сенинг уйинг бўлса, масжид — жаннат уйидир.

ҲАҚИҚИЙ инсон шундай кишидирки, у ибодат билан машғул бўлади ва ҳақ таолонинг халқига фойда келтиради. Яхшилик қилса ҳам ўзини «мен»ман, деб ҳисоблайди. Кишилардан яхши кўз билан қарашларини талаб қилмайди.

ҲАР НАРСА яшаганда покдир, қазо чоғида палид бўлур. Аммо нафс яшаганда палид бўлса, қазо чоғи пок бўлади. Ҳар кимки ўз нафсини хор қилса, Аллоҳ уни азиз қилади ва ҳар кимки нафсини азиз қилса, парвардигори олам уни хор қилади.

ИНСОНЛАР тўрт хил бўладилар: лаййу баҳил ва сахию каним. Лаййи шундай кишидирки, на ўзи ейди ва на бошқага беради, мол тўплайди, бошқаларга ҳасад қилади. Баҳил шундай кишидирки, ўзи ейди, бошқаларга бермайди. Саҳий шундай кишидирки, ўзи ҳам ейди ва ўзгаларга ҳам беради, халқнинг яхши яшашига ёрдам қилади. Каним шундай кишидирки, ўзи емайди ва ўзгаларга беради. Ўзида мол-давлат бўлмаса ҳам халқнинг ҳаётини енгил, фаровон қилиш учун хайрли ишлар қилади.

«ОҚ ОЛТИН» ШИФОХОНАСИ

Тошкент районидаги «Оқ олтин» номли марказий шифохона тиббий ходимларининг хизматларидан шу район аҳолиси миннатдор. Йўлдош Қодиров бош врач бўлган бу даво масканида сўнгги йилларда кўпгина ишлар қилинмоқда. Шифохона бўлимлари кўпайтирилди, барча муолажаларга мослаб, физиотерапия хоналари жиҳозланди. Уқалаш хоналаридан одам аримайди. Блокларга иссиқ ва совуқ сув келтирилди.

— Мен «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлайман, — деди Жаббор Қўшоқов биз билан суҳбат чоғида. — Шу районда истиқомат қилиб, ёнгинамиздаги шифохонада асаб касаллигини даволовчи бўлим борлигини билмас эканман. Соғлиғимни тиклайман деб, Тошкент тиббиёт институти шифохонасига, минерал сувларга, шаҳримиздаги йирик шифохоналарга даво истаб бордим. Лекин районимиз шифохонасида беморга кўрсатиладиган ёрдамни, муомалани юқорида айтилган жойларда кўрмадим. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтсалар керак-да.

Отахоннинг гапини шу ерда даволанаётган Шаҳноза Қосимова ва Манзура ая Убайдуллаевалар ҳам бир овоздан тасдиқлашди.

Шифохонанинг асаб касалликлари бўлими мудири Низомиддин Тожиев билан ҳам учрашиб суҳбатлашдик.

— Бўлимимизда саксонта ўрин бўлиб, улардан еттитаси Улуғ Ватан уруши фахрийларига ажратилган, — деди Низомиддин ака, — ишимиз ортиб боряпти, чунки ҳаётимизда бўлаётган тез ўзгаришлар деҳқондан тортиб, олимларимизнинг асабига таъсир этмай қолмайди. Аввалам бор бўлимимизга келган беморлар эътиборга, ширин муомалага муҳтождирлар. Дори-дармонлар ҳудога шукр, етарли. Агар бўлимимизда Японияда ишлаб чиқарилган энцефалография аппаратини келтира олсак нур устига нур бўларди. Аксига олиб аппаратнинг нархи жуда ҳам қиммат туради. Лекин халқимиз соғлиғини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Халқи соғлом давлатнинг — ўзи ҳам соғлом бўлади.

Низомиддин ака тўғри айтдилар. Халқ соғлиғи йўлида бор имкониятларни ишга солаётган саломатлик посбонларига ҳар қанча раҳматлар айтсак оз.

Темур УБАЙДУЛЛО,
Даврон АҲМАД.

СУРАТЛАРДА: Низомиддин Ҳожиев бемор соғлиғини текширмоқда. Тиббий ҳамширалар Манзура Шарофиддинова ва Ҳалима Дилмуҳамедова дори-дармонларни тарқатишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.





ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ҲУДУДЛАР МУАММОСИ ҲАМОН БАҲСЛАШУВДА

МАЪЛУМКИ, Япония Россияга қарашли бўлган Курил оролларини ўзининг азалий ери деб ҳисоблаб, уни Япония таркибига қайтариш учун анчадан буён халқаро ташкилотларда ҳамда Россия раҳбарлари билан бўлган музокараларда мазкур мавзуни неча бор кўтармоқда. Яқинда Мюнхен шаҳрида Оврўподаги етакчи «етти мамлакат» раҳбарларининг учрашуви муносабати билан Япония матбуотида яна шу масалага катта эътибор берила бошланди. Хабарларда таъкидланишича, гўё Мюнхенда бўладиган учрашувда қабул қилинадиган ҳужжатларда Япония билан Россия ўртасидаги ҳудудий баҳслар қонунийлик ва адолат принциплари асосида ҳал қилиниши лозим деган фикр ўртага ташланар эмиш. Бу деган гап, чегара муаммосини халқаро майдонга олиб чиқиш деган маънони англатган бўлур эди. Башарти масала Япон матбуоти таъкидлаётган тартибда қўйиладиган бўлса, у тақдирда Россия билан Япония ўртасидаги баҳсга расмий халқаро тус берилган бўлур эди. Ахборотларнинг қанчалик тўғри эканлигига фақат Мюнхен учрашувидан кейингина тўлиқ жавоб бериш мумкин бўлади.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

МУСУЛМОН ва хорват жамоалари манфаатларини ифодаловчи Босния Герцеговина Раёсати жумҳуриятда ҳарбий ҳолат жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга биноан умумий ҳарбий сафарбарлик ва меҳнат мажбурияти эълон қилинмоқда. Амалда эса Боснияда ҳарбий ҳолат анча илгари жорий этилган эди. Чунки, апрель ойи бошларида ҳар бир миллий жамоа ўзича ҳарбий сафарбарлик тадбирларини амалга ошира бошлаган эдилар.

БОЛГАРИЯ АРМИЯСИ СОНИ ҚИСҚАРАДИ

ЯҚИН вақт ичида Болгария армиясининг умумий сони 95 минг киши атрофида бўлади, деди яқинда сўзга чиққан Болгария мудофаа вазири Александр Сталийский. Собиқ Варшава Шартномасига кирган мамлакатлар режаси бўйича Болгария армияси мамлакатнинг жанубида туриб, у тахмин қилинган ўша томондан бўладиган ҳужумни даф этиши лозим эди. Энди-ликда Варшава Шартномаси тарқатиб юборилганидан сўнг Болгария армияси олдига қўйилган вазифалар батамом ўзгарди. Бундан буён у бутун мамлакат мудофаасини таъминлаш керак. Шу боис армияни доимий мудофаага мослаштириш учун қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 95 минглик армия давлат ҳудудлари даҳлсизлигини таъминлаш учун етарли бўлади, деб ҳисоблайди А. Сталийский.

АФҒОН МУЖАҲИДЛАРИ ҲИНДИСТОН ЧЕГАРАСИДА

РЕЙТЕР ахборот агентлиги Ҳиндистон пойтахти Деҳлидан хабар беради: бу ерда тарқатилган хабарларга қараганда, Покистон билан Ҳиндистон чегарасидаги Жамма ва Кашмир вилоятида афғон мужаҳидларидан иборат янги бўлинма ташкил этилган. Бу гуруҳ «озодлик мусулмон армияси» деб аталади. Унинг асосий вазифаси Жамма ва Кашмир вилоятида қуролли кураш олиб бораётган мусулмон жангариларига бевосита ёрдам беришдир. Айтишларича, мазкур гуруҳга тоғли жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш бўйича катта тажриба орттирган мужаҳидлар киритилганлар. Уларнинг қўл остларида гранатамёт ҳамда зенитли ракета мосламалари сингари замонавий қуроллар бор.

«БЕДАРВОЗА»ЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

ШУ КУНЛАРДА Германия Федератив Жумҳурияти билан Польша чегараларида ўзига хос бошбошдоқлик вужудга келди, деб хабар беради Рейтер ахборот агентлиги. Гап шундаки, уёқдан-буёққа ўтувчи икки мамлакат фуқаролари ҳеч қандай тартиб-қоидаларга бўйсунмай қўйдилар. Франкфурт-Майндаги чегарани муҳофаза қилиш идораси раҳбари Ортвин Попп 1992 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Польша ҳудудини маҳфий равишда кесиб ўтишга уринган 5625 нафар киши ушланганлигини хабар қилди. У куюнib «бедарвозалик ҳам эви билан-да» деб айтди.

УРУҒЧИЛИК МУАММОЛАРИ

— АГАР бизга тўла маънодаги эркинлик, иқтисодий мустақиллик берилганда эди,— дейди картошкачилик ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтининг директори Анвар НУРИДДИНОВ,— бутун жумҳуриятимизни сифатли, сара ва кафолатли уруғ билан таъминлашга қурбимиз етарди.

ОЧИҒИ, директорнинг зўр ишонч ва дадиллик билан айтаётган бу гапларидан сўнг институт фаолияти, ишлари билан чуқур танишишга эҳтиёж сездик. Чиндан ҳам жуда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган бу илмгоҳ қишлоқ хўжалиги ривожига қандай ҳисса қўшяпти? Олимлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларини қандай бажармоқдалар?

Яширишнинг ҳожати йўқ, бу саволга ҳам ижобий, ҳам салбий фикрларни, жавобларни билдирувчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳақиқатан ҳам, институт ходимлари меҳнатининг самарадорлиги, салмоғи қай даражада? Бу саволга адолатли жавоб олмоқ мақсадида ҳар қандай андоза ва қолипни бир чеккага суриб қўйиб, директор билан иложи борича эркин, очиқчасига ва дилдан суҳбатлашишга келишиб олдик.



— Кечирасиз, Анвар ака, гапни сизга унчалик хушёқмайдиганроқ бир савол билан бошламоқчимиз.

Олдидаги қоғоз буюмлари орасидан ўзига зарур қандайдир ҳужжатларни қидираётган олим сергак тортгандек бўлди.

— Қани эшитайлиқчи?

— Институт олимлари меҳнатини асло камситмоқчи эмасмиз. Лекин баъзан илмгоҳнинг қишлоқ хўжалиги равнақига кўрсатаётган таъсири, самараси кам бўляпти. Ҳар йили давлат томонидан берилаётган қанча-қанча маблағларга яраша ишламаяпти, деган гапларни эшитиб қоламиз.

— Бу гаплар бизга туҳмат ва иғво,— деди директор сал қизишгандек,— ҳақиқий илмнинг нималигини билмайдиган одамлардан чиқади бунақанги писки-пасод сўзлар. Аслини олганда биз давлатнинг ёрдамига муҳтож ҳам эмасмиз. Бизга маблағ бермаса, ажратмаса ҳам майли. Ўзимизни ўзимиз бемалол эплашимиз, боқишимиз мумкин. Бунинг учун эса институтимизга эркинлик, тўла маънода ҳуқуқ берилиши керак. Бизда заҳматкаш, фанимиз учун жонкуяр олимларимиз, илмий ходимларимиз жуда кўп. Масалан, И. Эсонов яратган «Тўйимли» нави ҳосилдорлиги, касалликка чидамлилиги жиҳатидан ҳам четдан келтириладиган картошка навларидан кескин фарқ қилади. Биз шу навни ва бошқа ўзимизда яратилган навларни тўла районлаштириб республикамизда етиштирсак ҳосил таннархи беш-олти баробар кам бўлади, бу картошка узоқ муддат сақлашга ҳам қулайдир. Четдан келтирилган картошканинг тахминан 6—8 миллион сўмлик миқдори чириб нобуд бўлиб кетади.

Селекционер олим Эркин Алиев карамнинг тезпишар, қишда ҳам ўсадиган хилини синовдан ўтказмоқда. Бу тез пишар карам пленка остига этилган «июнь» навидан очиқ ерда 15 кун кейинроқ пишади. Республикамизда бу нав жорий этилса 165 миллион сўм иқтисодий самара беради. Дилшод Мақсудҳожиев яратаётган пиёзнинг истиқболли нави ҳозирги навларга нисбатан бир ой олдин пишиб етилади. Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин. Яхшиси даламизда, лабораторияларимизда олиб борилаётган ишларни ўз кўзларингиз билан кўриб, одамларимиз билан суҳбатлашиб ҳолисона бир фикрга келишларингиз мумкин.

— Бўлмаса картошкачилик соҳасидаги ишлардан бошлайлик. Ахир бу соҳадан каттароқ картошка ҳосиллари асосий уруғ ҳисобланиб, у шиша найчалар — пробиркаларда махсус шароитда ўстирилган кўчатлардан олинади. Аввал соғлом туганакнинг куртагидан ҳужайра қирқиб олиниб, пробиркаларга — махсус озуқа муҳитига солинади. Ҳужайрадан дастлаб ўсимлик пайдо бўлиб, ушбу ўсимлик қаламчалари бошқа пробиркаларга экилиб, кўчат тайёрланади. Шу тариқа бора-бора бир дона уруғдан миллион донагача кўчатлар олиниб, бу кўчатлар иссиқхонадаги махсус тайёрланган ерларга зич қилиб ўтказилиб, парваришланади ва энг олий нав (Супер, супер элита) туганаклари олинади. Кейин картошканинг бу туганаклари далага чиқариб экилади. Бу туганаклар ниҳоятда серҳосил, касалликдан ҳоли бўлади. Бу усулнинг истиқболи порлоқ, лекин бунинг учун тегишли имконият керак. Масалан, жумҳуриятимизнинг мўлжалдаги эҳтиёжига яраша картошка етиштириш учун ҳар йили 150 минг тонна уруғлик керак. Бу миқдордаги уруғлик картошка етиштириш учун 10 минг гектар ер керак. Ер эса йўқ. Буни мутасаддилар ўз зиммасига олсинлар-да. Ахир, биз олимлар таклиф қиляпмиз, айтаяпмиз, кафолат беряпмиз-ку! Сара уруғ, сара кўчат ҳосили ҳам агар парвариш ўрнига қўйилса баракали бўлади. Биз буни синовдан ўтказаяпмиз. Бир гектар ерда 50 минг туб картошка ўсимлиги ўстирилди, дейлик. Ҳар тубда ўртача бир килограммдан ҳосил тўпланса, бу 50 тонна демакдир. Боринги ярим килограмм, ундан ҳам камроқ ҳосил олинса гектар ҳисобига 18—20 тонна картошкани бемалол етиштириш мумкин.

— Сизларда шундай натижага эришиляптими?

— Эришаяпмиз. Бунинг учун аввало ерни яхшилаб донадор қилиб тайёрлаймиз. Тупроқ таркибини органик ўғитлар билан бойитамиз. Кузда ҳосил йиғиштириб олингач ерга буғдой сепиб қўямиз. Июнда ҳосилни йиғиб олгач, ерни қайта ҳайдаб картошка экиш учун тайёрлаймиз. Бунда биринчидан тупроқда чиринди —гумус кўпаяди. Иккинчидан, буғдойдан сўнг далалар тозаланади. Ер органик моддага бойийди. Бу янгилик эмас. Ривожланган мамлакатларда бу усулга қатъий амал қилиб келинмоқда. Илм ва тажриба уйғунлашади. Самараси яхши бўлаётганлигига ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз.

Анвар ака ўтган йил кузда тажриба участкасида бўлиб, Имир Эсонов бошлиқ картошка ва уруғчилик селекцияси бўлими олимлари ва ишчи хизматчилари томонидан олиб борилган ишлар билан танишганлигимизни назарда тутаётган эдилар.

Манзарани кўз ўнгимизга келтирамиз. Картошказор. Палаклари тоза ва гуркираб ўсаяпти. Бир чеккадан ҳосилни ковлашяпти эҳтиётлик билан. Биз ҳам бир зум ишни кузатамиз. Имир ака мана буни кўринг, дейди ковланган бир туп картошкани кўрсатиб. Энг кичик ҳосили тухумдек, сип-силлиқ, қип-қизил, текис, бирон ерида доғ йўқ. Ҳавасингиз келади. Ҳосил бир килодан ортиқ эди. Имир ака ҳикоя қилади. Бу картошказорга ҳар хил нав экилган. Ҳар бирига рақам қўйилган. Ҳозир биз «Тўйимли» деб атамоқчи бўлган навдаги картошка ҳосилини кавладик. Тупларнинг ҳосил беришга қараб ёзиб борамиз. Камроқ ҳосил берганлари «чиқитга» чиқарилади. Яхши тупдан олинган ва сараланган ҳосил махсус халтачаларга солиниб бир чеккага тахланмоқда. Бу уруғликка олиб қўйилади ва музхонада маълум ҳароратда сақланади. Келаси йил июнь ойида экилади. Ҳар йили бу жараён — экиш, ҳосилни кавлаш, саралаш, танлаш давом эттирилади. Шу тариқа 5 йил давомида супер-супер Элита картошка уруғлиги олинади. Биз картошка ҳосилига назар ташлар экансиз, ўзимизнинг машҳур «Қайчибарг», «Вольтман» ва «Обидов» навларини эсладик. Улар йўқолиб кетмоқда-ку. Олимнинг айтишига қараганда бу янги нав бемалол уларнинг ўрнини босади. Ҳар гектаридан 18—20 тонна олса бўлади. Энг муҳими иссиққа, касалликларга чидамли. Россиядан келтириладиган уруғларга ўхшаб айниб кетмайди. Бу нав районлаштирилади. Агар вақтида экилиб, яхшилаб парвариш қилинса, кузгисидан 40 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Дастлабки уруғлик Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илм-гоҳида етиштирилган ва чатиштирилган картошка уруғидан олиниб кўпайтирилди. Хуллас, бу навни яратишга 10 йил вақт кетди.

— Дейлик, бу нав кенг тарқалди. Ундан узоқ вақтгача барқарор ва сифатли ҳосил олиш мумкинми?

— Бу ғоят муҳим ва нозик масаладир. Аслида деҳқоннинг маҳорати, тажрибаси ва ихлосига боғлиқ. Агар ер яхши тайёрланмаса, экинга рисоладагидек ишлов берилмаса, табиийки, ҳар қандай яхши нав ҳам айнийди. Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Уруғни, албатта, 4—5 йилда янгилаб туриш керак.

— Шу ўринда ҳайрон қоласан киши. Қачонгача биз картошкачиликдаги муаммони уруғга боғлаймиз. Маълум бўляптики, агарда гап ўрнига амалий иш билан шуғулланилганида эди, аллақачон картошка уруғчилиги ҳал қилинган, ўзимизни ўзимизнинг маҳаллий шароитга мослашган сифатли уруғ билан бемалол таъминлашимиз мумкин экан-ку. Ана шунда ҳозиргидек картошка қаҳатчилиги ва қимматчилигининг олди аллақачон олинган бўлармиди?!

— Албатта-да. Бу соҳада биз ўзимизнинг қатъий хулоса-фикрларимиз, мулоҳазаларимизни айтганмиз. Таклиф қилганмиз. Ҳар бир ноҳияда, албатта, уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ҳамма шароитни яратиб бериш ва бу шароитлар нималардан иборат бўлишлигини айтиб берганмиз. Қисқаси, сара уруғ — мўътадил ҳароратда уни сақлайдиган совутгичлар — рисоладаги технология ва яна ҳаммаджон Фозилов номли колхоз билан тузилган шартномага мувофиқ уларга донасини бир сўмдан 100 минг туп помидор кўчати етказиб бердик. Ҳозир бу кўчатлардан яхши ҳосил олишди.

— Бўлмасам-чи, умуман олганда қуруқ гап ҳеч кимга ёқмай қолди. Ҳар ким ўз обрўси, мавқеи учун курашар экан, биз ҳам шу йўлни танладик. Тавсиялар ёзмай қўйганимизга анча бўлди. Маслаҳатни бундан буён текинга бермаймиз, сотамиз. Деққонларга уруғлик эмас, кўчат етказиб берамиз ва айни пайтда бу кўчатни парваришлашда ҳам ёрдам кўрсатамиз, ундан, албатта, юқори ҳосил олинишига кафолат берамиз. Лекин шарти бор. Келишамиз. Олинадиган ҳосилдан тушадиган фойданинг бир қисмини бизга беришлари керак.

Тошкент ноҳиясидаги Муолабли, бошқача бўлиши мумкин эмас.

— Сизнингча қандай йўл тутилса адолатли бўлади?

— Менинг фикримча илм билан шуғулланувчи ташкилотлардан мумкин қадар солиқни кам олиш керак. Бошқа тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Шундай вазият, шундай шароит яратиш керакки, олим яратилажак янги навидан келадиган ва ўзининг ҳамёнига тушадиган даромадни олдиндан ҳис қила билсин. Ана шунда у илмга бутун вужуди билан берилади. Чунки қанча кўп даромад олса тирикчилиги шунча яхшиланади. Бола чақа ташвишидан кўнгил тўқ бўлади-да. Ҳозир ундай эмас, олимларимиз оиласини бир амаллаб боқиш учун илмга даҳли йўқ ишлар билан ҳам шуғулланишга, вақтини беҳуда сарфлашга мажбур бўлади.

— Ҳозирги кеча-кундузда қанчадан маош олясизлар?

— Айтишга уялади киши. Мен директор бўла туриб 1000 сўмга яқин пул оламан. Айрим олимларимиз, бўлим бошлиқлари 800—900 сўмдан, айрим хизматчилар 500—600 сўмдан пул олишади. Бу камда, албатта. Ҳозир мустақиллик шарофати билан анча эркинлик берилгандек бўляпти. Олинадиган фойда пули ҳисобига товон пули, ойликларни оширишни ўйлаб турибмиз. Ҳамма имкониятдан фойдаланиб, олимларимизни ижтимоий жиҳатдан ўзимиз ҳимоя қилмасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Бунинг учун бизнинг ишимизга, илмга, илмни билмайдиганлар аралашмасликлари керак. Афсуски, аралашишяпти-да. Бундай қилмапсизлар, ундай қилмапсизлар, ҳаммаси энса-қотирадиган, ишимизга ҳалақит берадиган гаплар, ортиқча, кераксиз маслаҳатлар.

— Бошқарув бутунлай янги изга тушяпти-ку. Иқтисодий бақувват бўлиш учун ўзларингга ўзларинг хўжайинлик қилиб, масалаларни мустақил ҳал қиладиган кунлар ҳам келиб қолар.

— Биз ҳам шундай деб умид қиламиз.

— Анвар ака, яна асосий мавзуга қайтайлик. Ҳозир бегубор маҳсулот етиштириш муҳим масала бўлиб қолди. Демоқчиманки, гербицид ва бошқа ҳар хил заҳар заққумларни ишлатмасдан туриб ҳам бу мақсадга эришиб бўладими?

— Бу ҳақда ерни, уруғни ўзимиз айнитганлигимиз ҳақида ёзган эдинглар. Мен ҳам шу фикрларга қўшиламан. Еримиз ўлиб боряпти. Уни соғломлаштириш, асли ҳолига қайтариш жумҳурият миқёсидаги етимини кутаётган муаммодир. Уни ҳал этмасак бўлмайди. Айримлар ерга кўпроқ гўнг солиса, ҳосил бўлаверади, дейишади. Бу хом гап. Ерга гўнгни солган билан ҳосил бўлавермайди. У чириши ва гумусга айланиши керак. Бунинг учун эса ерда жонли микроорганизмлар бўлиши шарт. Уларни эса қириб битирганмиз. Биз бу микроорганизмларни тиклаш мақсадида чувалчангни кўпайтирмоқдамиз. Ҳозир бу соҳада учта лабораторияда иш олиб борилмоқда.

Биз ўша куни институтда ҳақиқатан ҳам яхши ишлар олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Директорнинг елиб югуриши ва жонбозлигига қойил қолдик.

Лекин бешак парвардигор, деяйлик. Илмгоҳнинг у ёки бу шаҳобчасида, тажриба майдонларида, ажратиб берилган ерлардан фойдаланишда ҳосилни йиғиштириб олиш ва бошқа ишларда айрим камчилигу нуқсонларга йўл қўйилаётган бўлиши мумкин. Казо-казо олимлар бўла туриб помидор ва бошқа экин ҳосили оқ пашшага ем қилиб қўйилаётганлиги муносибми? Жуда кўп олимлар виждонан, ҳалол меҳнат қилиб илм фан ривожи йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар. Лекин бир амаллаб фан номзоди бўлиб олган ва йиллаб илм-фан ривожига ҳисса қўшмай келаётган ходимлар ҳам йўқ эмасдир, эҳтимол. Ахир, беш қўл баробар эмас-ку. Лекин бугунги мақолада биз буни тадқиқ қилишни мақсад қилмаганмиз. Қолаверса, бу бевосита шу соҳага даҳлдор одамлар ишидир.

Лекин ҳаммага, бу ерга ҳар куни келиб кетиб турадиган кўплаб одамларга аён бўлган бир нуқсон борки, уни айтмасдан бўлмайди. Бу давлат тили ҳақидаги Қонуннинг ижроси билан боғлиқ масаладир. Эшиклардаги ва хоналардаги ёзувлар, эълонлар, шиорлар, илмий ахборот хулосалар ҳамон рус тилида. Назаримизда давлат тили ҳақидаги Қонун бу илмгоҳлардагиларга алоқаси йўқдек. туюлди. Нега? Эҳтимол, директор бу ишни ишониб топшириб қўйган одамлар лоқайдлик қилишаётгандир? Шуғулланмай қўйишгандир. Лекин нима бўлганда ҳам бу нозик масала билан директорнинг ўзи шахсан шуғулланиши зарурга ўхшайди. Буёғи жамоатчиликка ҳам боғлиқдир.

Лекин биз шу нарсага қатъий ишонч ҳосил қилдикки, институтда яратувчанлик ишларига қодир, туну кун изланишдан ўринмайдиган янгиликка ўч ва чанқоқ катта куч бор. Бу куч ўз ёғига ўзи қовурилиб ётмаслиги керак. Унга мадад даркор. Бу кучни руҳлантириш зарур.

Тажрибакорлар, ижарачилар, пудратчилар, фермер хўжаликлари жамоалари қишлоқ хўжалигимизнинг бундан буёнги истиқболи сизларга боғлиқ! Модомики, мўл-кўлчиликни таъмин этишда ҳозирги мураккаб ва қийин иқтисодий шароитни енгиш ва енгиллатишда эл сизларга кўз тикаётган экан, олимларга яқинлашинг, уларнинг этагини тутинг, улар яратаётган илмни далага кўчиринг. Ана шунда ишларингиз осон кўчади. Мақсадга тез етасиз, муаммоларни қийналмай ҳал этасиз.

Олимлар бунга кафолат берадилар.

Носир РИХСИЕВ,
Саъдулла МАТЕҚУБОВ.

«МАДАНИЯТ УЙИНИНГ БУГУНГИ АҲВОЛИ»

Азиз муштарийлар!

Едингизда бўлса, рўзномамизнинг шу йил 27 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан Чиноз ноҳиясидаги Эски Тошкент маданият уйининг аҳволи танқид қилинган эди. (Мақола муаллифи А. ОРИПОВ).

Мазкур танқидий мақола юзасидан вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю. ЮСУПОВА имзоси билан жавоб хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«...Мақолада кўрсатилган далиллар қисман тўғри деб топилди, уларни бартараф қилиш тадбирларн ишлаб чиқилди...»

Юқоридаги жумладан кўринадики, ҳақиқатда қандайдир камчиликлар бўлган ва уларни тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Бироқ бошқа бир жавоб — Чиноз ноҳияси «Ленин байроғи» рўзномасининг 1992 йил 26 март сонида чоп этилган «Тани бошқа дард билмас» мақоласи бизни ўйлантирди. (Муаллифи ноҳия маданият бўлимининг мудири Т. МАНСУРОВ). Мақола аввало журналистик этикадан четлаб, бошдан-оёқ кесатиқ билан битилган. Келинг, ноҳия рўзномасидаги чиқишдан кичик кўчирма билан танишайлик:

«Мақола муаллифи А. Орипов ёзганидек ҳақиқатдан ҳам Эски Тошкент қишлоқ маданият уйи ноҳиямизнинг ўша пайтдаги раҳбарлари буйруғи билан 27-ўрта мактабнинг қўшимча синф хонасига жойлашган эди. Аммо А. Орипов ўша буйруқнинг оғзаки эканлигини ва бугунги кунга келиб, ўтмай қолганини, мазкур бинодан Киров номли жамоа хўжалиги 1990 йилда қурт-хона сифатида фойдалангач, уни жорий таъмирлаб бермаганлигини ҳам негадир унутиб қўйган кўринади».

Муаллиф Т. Мансуровнинг **«... 1990 йилда қуртхона сифатида фойдалангач, уни жорий таъмирлаб бермаганлигини ҳам негадир унутиб қўйган кўринади»,** деган эътирози ўз-ўзидан савол туғдиради:

Хўш, уни таъмирлашни ким талаб қилиши керак? А. Ориповми ёки ноҳия маданият бўлими раҳбариятими?

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

Энди қуйидаги жумларга эътибор қилинг:

«Ўша пайтда Эски Тошкент қишлоқ маданият уйига директорлик қилган Фахриддин Сиддиқовнинг «Булбул навоси» дастасидаги «булбуллар» аллақачон «учиб кетган» бўлиб, унинг навосини мен ҳам эшитган эмасман».


Шу гапнинг ўзиёқ ўз даврида ноҳия маданият бўлимидаги мутасаддиларнинг ёш истеъдодлар борасидаги «кузончаклик»ларини кўрсатиб турибди-ку. Т. Мансуров ўзининг 1991 йил 14 мартдан беригина мазкур лавозимида ишлаётганлигини алоҳида таъкидлаган. Мақолада келтирилган баъзи камчилик ва нуқсонлар унга тааллуқлик эмас. Хўш, шундай экан, вилоят маданият бошқармасидан олинган расмий жавобда **«кўрсатилган далиллар қисман тўғри, деб ҳисобланди»** деган жумлани кимга тегишли деб ҳисоблаш мумкин? Бундан ташқари худди шу жавобдаги **«... Эски Тошкент маданият уйининг биноси(ни) тартибга келтириб, ишини ташкил қилиш учун шароит яратилди».** Жумласини қандай тушунмоқ керак?

Гапнинг очиғи, ушбу чиқиш орқали кимнидир ҳимоялаб, кимнидир ноҳақ деб кўрсатмоқчи эмасмиз. Ниятимиз холис: Эски Тошкент маданият уйи ишлари изга тушса бўлгани.

Хулоса ўрнида бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардик. Ноҳия рўзномасида чоп этилган мақола муаллифи Т. Мансуров ноҳияда маданий-маърифий ишларни асосан кўкка кўтариб мақтайди. Лекин маданият уйларидаги масалага холисона ёндашиб, қилаётган ишимизга қуруқ мақтов билан эмас, балки танқидийроқ ёндашсак, фойдалироқ бўлур эди.

Маданият муассасаларининг ишини танқидий мулоҳазаларни эътироф этмасдан ва юзаки хулосалар билан яхшилаб бўлмаслигини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Шу жиҳатдан қараганда мантиқан бир-бирига зид бўлган хулосалардан иборат «Раддия»ни чоп этишдан олдин таҳририят чуқурроқ мулоҳаза юритмаганлигидан таажжубландик.

Дилмурод САИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» маданият бўлимининг мудири.



Пойтахтимиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўяш цехи Италиядан келтирилган янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бўяш-пардозлаш машиналарида қайнатиш, оқлаш, ранг бериш ва бошқа ишларни автоматик тартибда бажариш мумкин. Бу эса трикотаж матоларнинг сифатини яхшилайди ва тикилаётган кийим-кечакларни янада гўзал бўлишини таъминлайди.

СУРАТДА: тажрибали бўёқчи Мамарасул Ҳамроев янги жиҳозларнинг ишлашини назорат қилмоқда.

Суратчи Р. ШАМСУТДИНОВ.

ТАКЛИФ БОР

ҚАНД – ШАКАРНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ходимларининг фикрича, стевия ўсимлиги ёрдамида қанд тақчиллигини камайтириш мумкин. Институт генетика банкини тўлдирган бу ўсимлик ҳозирча деҳқонларимизга унчалик таниш эмас, аммо кўп мамлакатларда муваффақиятли ўстирилмоқда. Унинг барглари ширинлиги лавлагидан олинадиган қандга нисбатан 150—300 баравар юқори бўлган модда— стевиозид бор. Бунинг устига мазкур маҳсулот калорияси паст бўлиб, парҳезбопдир — ундан консервант сифатида, шунингдек нон-булка ишлаб чиқаришда, қандолат маҳсулотлари, салқин ичимликлар сослар, «қуруқ шарбатлар», ксилит ва сорбит тайёрлашда фойдаланилади.

— Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитида севия экилган ҳар гектар ердан 500 килограмм ва ундан ҳам кўпроқ қуруқ масса олинади, бу массадан 35 килограмм стевиозид ишлаб чиқариш мумкин, — деб ҳикоя қилади Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий текшириш институти янги экинлар лабораториясининг мудири Ю. М. Ким. —Эндиги ҳисоблаб чиқайлик: мабодо стевиозиднинг ширинлик даражаси қандга нисбатан ҳеч бўлмаса 150 баравар юқори бўлса, у ҳолда бу 35 килограмм 5 минг 200 килограмм шакарга баробар келади. Агар стевиядан янада ширинроқ моддалар олиш мумкинлигига эътибор берилса, у ҳолда рақам янада катта — ўн тоннагача, яъни лавлагизорларнинг ҳар гектаридан олинадиганидан икки ярим баравар кўп бўлиши мумкин. Демак, иқтисодий жиҳатдан бу фойдали экин. Шу боисдан ҳозир мутахассисларимиз стевияни ўрганиш ва Ўзбекистоннинг турли-минтақаларида жорий этиш юзасидан кенг кўламли ишни бошлаб юборадилар.

Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда ноанъанавий экинлар — мой, қанд, каучук ва ҳатто нефть олиш учун тижорат мақсадларида зўр бериб ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бу соҳада АҚШ, Мексика ва Японияда катта ютуқларга эришилди.

— Бу йўналишлар истиқболлидир, бинобарин уларга катта эътибор бермоқ зарур, — деди Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг директори Ю. П. Узоқов. — Институтимизда хилма-хил қишлоқ хўжалик экинларининг ноёб коллекцияси мавжуд. Уларни Ўзбекистон деҳқончилик амалиётига ёйишни ўз вазифамиз деб биламиз. Бунинг учун Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтини деҳқончилик маданияти юқори, ўз таянч хўжаликлари бўлган намунали илмий тадқиқот муассасасига айлантириш лозим. Шундагина амалий самара салмоқли бўлади. Ана ўшанда институтнинг катта генетик банкидан тўла миқёсда фойдаланиш мумкин бўлади.

Г. КОВАЛЬ,
ЎзА мухбири.

ДОРИ-ДАРМОН ҚИММАТ. ҚАНДАЙ ДАВОЛАНИШ КЕРАК?

Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида дори-дармонлар нархини сўнггилар қатори оширди. Дори-дармонлар анча қимматлашди, бироқ кўпгина беморлар бундан азият чекишмади. Жумладан, уч ёшгача бўлган болалар, ревматизм, қанд диабети, онкология ва бир қанча бошқа касалликларга чалинганлар, шунингдек уруш қатнашчилари, Афғонистон урушида қатнашган жангчилар дори-дармонларни бепул оладилар.

Дорихоналарда бундай тоифадаги беморлар учун, шунингдек ногиронлар учун заҳира жамғармалари тузилган. Чақалоқларга, камқон ҳомиладор аёлларга хизмат кўрсатиш учун дори қутилар ташкил этилган. Дори-дармонларни имтиёзли нархларда ёки бепул оладиган фуқаролар рўйхати кенгайди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги стационарларга бепул даволаш учун 70 га яқин номдаги дори-дармонлар бепул берилаётганини ҳисобга олиб, ҳаёт учун жуда муҳим дорилар рўйхатини тузди. Бу дориларнинг нархи белгилаб қўйилган. Дори-дармонларга эркин нарх белгилаш ҳам назарда тутилган. Бироқ, қиммат турадиган дорилар одатда бепул берилади, чунки бундай дориларга сурункали касалликлар билан оғриган беморлар, ногиронлар муҳтож бўладилар. Шундай қилиб, дори-дармонлар нархи ошиши муносабати билан кўриладиган зарар жуда оз бўлиши ҳамда бу зарарни, айниқса, ҳимояга муҳтож кишилар сезмасликлари учун чора-тадбирлар тизими пухта ўйлаб белгиланган.

(ЎзА мухбири).

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ЗАЁМ!

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 20 ЙИЛ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН 12 ФОИЗЛИ ЎЗ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМЛАРИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛДИ. ОБЛИГАЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ 250, 500 ва 1000 СЎМ. БУ ОБЛИГАЦИЯЛАРГА 2, 5, 10, 25, 50, 100 ва 250 МИНГ СЎМГАЧА ЮТУҚЛАР БОР.

ТИРАЖ ЎЙИНЛАРИ ЙИЛИГА 4 МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЗАЁМИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ БАРЧА МУАССАСАЛАРИДА ЭРКИН РАВИШДА СОТИЛАДИ ВА ХАРИД ҚИЛИНАДИ.

ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ СИЗЛАРНИНГ ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ—ОМОНАТИНГИЗНИ САҚЛАШДА ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИДИР.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ БОШҚАРМАСИ







• Футбол

БИР ЎЙИН ҚОЛДИ

КЕЧА маҳаллий вақт билан соат 23 да кўп сонли футбол мухлислари яна «зангори экран» қаршисидан жой олиб Голландия ва Дания жамоалари ўртасидаги иккинчи ярим финал ўйинини томоша қилдилар. Мазкур ўйинда чемпионлик унвони учун 26 июнь куни Гётеборгда бўладиган сўнгги учрашувда жаҳон чемпионлари Олмония футболчиларига рўбарў келадиган томон аниқланди. Кўпчилик футбол мухлислари қатори мен ҳам Голландия жамоасини финалда ўйнашини истар эдим. Лекин футбол кутилмаган тасодифларга бой. Ҳурматли муштарийлар, газетанинг ушбу сонидаги мазкур мақолани ўқиётганда бу жумбоқ ҳал бўлган бўлади.

«ПАХТАКОР» ИЛГАРИЛАМОҚДА

Ўзбекистон биринчилиги иштирокчилари навбатдаги 17-давра ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» футболчилари Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида устун келдилар ва очколарни 24 тага етказиб, пешқадамлик қилишмоқда. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари Қўқоннинг «Темирйўлчи» жамоасини 1:0 ҳисобида ютиб, тошкентлик футболчиларни изма-из қувиб келмоқда. Улар ҳисобида 23 та очко бор. Шу даврининг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Орол» — «Мароқанд» — 1:0, «Навбаҳор» — «Наврўз» — 2:0, «Пахтакор-79» — «Кимёгар» — 1:0, «Трактор — «Нурафшон» — 0:1. Косонсойлик футболчилар Шаҳрихонда меҳмон бўлишиб, 0:1 ҳисобида енгилишди. Термизлик футболчилар узрли сабабга кўра Чирчиқ шаҳрига келиша олмади ва бу ўйин бошқа муддатга кўчирилди.

У. ШАРОПОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• Янгийўл райони янгиликлари

РАШИДОВ НОМИ БЕРИЛДИ

«Янги ҳаёт» жамоа хўжалигидаги «Сахарное» маҳалла аҳлининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари маҳаллани бундан буён Шароф Рашидов номи билан юритишга қарор қилдилар. Маҳалладаги 13-бригада жамоаси асосан пахтачилик билан шуғулланади. Бу ерга илгари марҳум Ш. Рашидов келиб турган, маҳалла аҳли ҳаёти, турмуши билан қизиққан эди.

«ПРОМЕТЕЙ» ЁРДАМИ

Иккинчи жаҳон урушида «Тинчлик» жамоаси хўжалигининг 1200 нафар аҳолиси қатнашди. 321 нафари эса жанг майдонидан қайтмади. Ўлаб йиғитлар бедарак кетди. Кўпларининг қаерда ҳалок бўлгани, жасади қаерга қўйилгани ҳанузгача номаълум. Хўжалик уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг Ўзбекистон «Прометей» ватанпарварлик қидирув бирлашмаси билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Биргина ўтган йили 15 нафар жангчи қабри аниқланди.

Х. МИРЗАЕВ.

К. Маркс (Гулзоробод) жамоа хўжалигининг «Ёвош» маҳалласида «Илҳом» кичик корхонаси ўз фаолиятини бошлаб юборди.

... Уч йиллик шахсий меҳнат фаолияти натижасидан жамғарилган маблағдан сўнг қишлоқда кинохона учун солинган бино ташландиқ ҳолга келганини кўриб, ундан фойдаланишга аҳд қилган Илҳом Султонов ишга киришди. Аҳоли билан маслаҳатлашиб, ушбу бинони сотиб олди. Таъмирлаш учун имконият топди. Тикувчилик корхонаси учун асбоб-ускуналар келтирди. Қишлоқ ёшларига мурожаат қилди. 7 дона электр тикув машинаси сотиб олди. Кимнинг уйида қўл-оёқ тикув машиналари бўлса, олиб келишни сўради. Хизмат ҳақи ва ойлик маош тайинланди. Хизмат қилиш учун бичиқчи уста ҳамда турли хил тикув учун маҳсулотлар топишни ташкил этди. Қишлоқдаги келинлар, 11-синфни тугаллаётган қизлар ихтиёрий равишда келиб, аъзо бўла бошлашди. 20 дан зиёд уйлардан келтирилган тикув машиналари ва 7 та электр машиналари билан иш бошланиб кетди. 30 нафар тикувчи чеварлар дастлаб болалар учун калта иштончалар тикишга киришдилар.

«ИЛҲОМ» КИЧИК КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Корҳонада ишлар юришиб, эндиликда катталар учун қўйлаклар, уй халатлари, чойшаблар, ёстиқ жилдлари каби маҳсулотлар тика бошлашди.

Биз кичик корхонада бўлиб, корхона раҳбари билан суҳбатлашдик:

— Қишлоғимизда ёшлар кўп. Корхона очишга жой ҳам тайин бўлганлиги учун ноҳия ҳокими ва хўжалик раисининг рухсатини олишга кирдик, — дейди корхона бошлиғи Илҳом Султонов. — Улар бизни қўллаб-қувватлашгач, маҳалладаги ўртоқлар билан бир тўхтамга келишиб олдик ва дадил ишга киришдик. Бино учун 70 минг сўм, таъмирлаш учун 20 минг сўм сарфладик. Маиший хизматлар уйидан шартнома асосида 7 дона электр тикув машинаси олдик. Илгари ҳарбий тикувчи, сўнгра маиший хизмат уйида ишлаган Света Курносованы усталикка таклиф этдик. Иш ҳақини ишбай қилиб белгиладик. Болалар кўйлакларининг ҳар донаси учун 15 сўм, катталарники учун 25 сўм, гўдаклар иштонча-кўйлаги учун 4—5 сўмдан. Ҳозирги кунгача 80 минг сўмлик турли хил тайёр маҳсулотларимиз бор. Иркутск шаҳридан 350 минг сўмлик турли хил газламалар келтирганмиз. Шавкат Сатторқулов ва Абусаид Мусаев каби усталар тикув машиналарининг бир маромда ишлашини назорат қиладилар. Келгусида 10 та гилам тўқиш дастгоҳи ўрнатмоқчимиз. Яна режаларимиз кўп. Мақсад аҳолини истеъмол моллари ҳамда ёшларни иш билан таъминлашдир. Дилором Бозорбоева, Анора Умарова, Ўғилой Бекназарова, Наргиза Пармонова каби чеварлар, айниқса, самарали ишлашяпти. Корхонамизда ишловчи талабгорлар тобора ортмоқда. Бироқ, олдимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Дазмол, стол, шкаф, стул ва бошқа жиҳоз ҳамда буюмлар етишмайди.

Б. ТУРДИЕВ,
Чиноз райони.

МУШТАРИЙ ИЖОДИДАН

БАСТАКОР ЎҒЛОНИМАН

Мен фараҳли бу ўлканинг бастакор ўғлониман,
Юракларга малҳам бергувчи оҳанглар конинман.
Жон агар даркор бўлибдир Ватан учун, халқ учун
Борлигим бермакка тайёр фахр этар полвониман.

Оқилу доно элимнинг тарихи минг-минг аср,
Минг асрлар ҳақиқатни куйлаган ғазалхониман.
Эрксевар халқим азалдан меҳнат таги роҳат дегай,
Ҳеч бир ҳаловат билмаган эзгулик карвониман.

Олиму Луқмон, мунажжим кўз тикиб зулмат аро
Орзусига йўл топмаган руҳларин армонинман.
Ҳалол меҳнати бирла ҳур келажакни кўзлаган,
Боғи обод, дастурхон мўл, мириқшкор деҳқониман.

Ақл-идрокли, меҳмоннавоз, хуштаъб, ширин сўздир мудом,
Лек ғанимлик қилса кимки беаёв тиғ конинман.

БИР КУН

Юрагимда тонг қуёшидай буюк маъво нурланди бу кун,
Булбулларга чаман талошдай суюк наво турланди бу кун.
Севгим меҳр булоғидай соф туйғулар оғушида шод,
Шеър илҳоми чақиб чақмоғин, тафаккурим ҳурланди бу кун.

Сирли олам шайдоларига сахийлигин қилмагай канда,
Садоқатли юрак отаолим саратондай нурланди бу кун.
Ишқ аталмиш улуғ ҳиссиёт ҳар инсонга гар бўлса насиб,
Насибамни зиёда қилган тилакларим дурланди бу кун.

Мушкул баён экан ишқ дарди, мухтасарлик зеб қолур мангу,
Бахти баланд Озод дилида ишқий маъно жўрланди бу кун.

Озод КАРИМОВ,
бастакор.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

● **БК-2300 конденционери СОТИЛАДИ**
Телефон 68-30-63.

● **Тошкент шаҳри Қорақамиш даҳасидаги гиштли уйдаги 46,3 метр квадратли 3 хонали уй СОТИЛАДИ,**
балкони ойнаванд. Телефон 96-53-16.

АЛМАШТИРАМАН

● **Ангрен шаҳри марказида жойлашган (5/1б квартал) таъмирланган иккинчи қаватдаги давлат уйини Тошкент шаҳрининг исталган жойидаги бир, икки хонали уйга ёки яхши сақланган, 1989-90 йиллардан кейин чиққан «Жигули» ёки бўлмаса «Москвич» автомашинасига алмаштираман. Мурожаат учун телефон: 47-58-47. Баҳодир.**

● **Тошкент шаҳар 57 (11)-ҳунар-техника билим юрти томонидан Петр Васильевич Данилов номига берилган Б № 302585 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли**

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов районидаги «Агат» кооперативи

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ҳ. Турсунқулов кўчаси, 178-уй.

ФУҚАРОЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

СПКП «ТОНГ» Қўшма корхонасига қарашли ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ДЎКОНИ «ИПАК ЙЎЛИ» Узбекистон Инновацион Тижорат банкининг акцияларини

СОТАДИ

● **оддий акциялар** — 5000 сўм ёки АҚШ 100 доллари ҳисобида;
● **имтиёзли акциялар** — 5000 минг сўм ёки АҚШ 100 доллари ҳисобида. **Москвадаги «ИНКОРОС» акционерлик жамиятининг акциялари**

● **оддий акциялар**—1000 сўм 5 та акцияли пакети билан, 50 фоиз ва ундан юқори дивидендлар берилади.

Шунингдек, **«ГЕРМЕС» и К» НТЦ** акционерлик жамиятининг акциялари, **«ГЕР МЕС»** Москва савдо уйининг акциялари ва **КТФБ** нинг 3 та брокерлик жойлари ҳам

СОТИЛАДИ

Сизнинг акцияларга қўйган омонатингиз — бу пул қадрсизланишини ҳимоя қилади.

Қимматбаҳо қоғозлар дўконининг манзили: Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 31-уй.

Телефонлар: 69-94-37, 62-43-68.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА

барча турдаги юк ташиш аравачалари учун шиналар, роликлар ва ғилдиракларга резина қоплаш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Мирзо Улуғбек райони, Қурбонов кўчаси, 46-уй («Салом» чойхонаси ёнида).

ТЕЛЕФОНЛАР: 67-83-25, 32-53-47.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент райони ички ишлар бўлимининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бўлинмасининг катта тезкор вакили, милиция капитани

Шокиржон РАПИҚОВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан унинг оиласи ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти тайёрлов-савдо ширкати бирлашмаси бошқарувининг жамоаси шу ташкилотнинг бўлим бошлиғи Э. Саматхоновга падари

ЗИЁДХОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими, вилоят кўз касалликлари шифохонаси жамоаси бош шифокор З. У. Сидиқовага укаси

Сафар Умарович СИДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334806, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325767; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334046; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—185. Индекс: 64872. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.46. 31646 нусха босилади.